

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

143 Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи ихтисослаштирилган «Ўзагро-экспорт» ташқи савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисида

Мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, жаҳон бозорларини маркетинг жиҳатдан чуқур тадқиқ қилиш асосида ташқи бозорларда харидоргир бўлган рақобатдош янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга етказиб бериш хажмлари ва турларини кўпайтириш, шунингдек маҳсулотларни экспортга чиқаришнинг замонавий талабларга мос савдо-логистика инфратузилмасини жадал ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзбекизоқовқатхолдинг» холдинг компанияси, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши ва бошқа манфаатдор тузилмаларнинг «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК таркибида янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи акциядорлик жамияти шаклидаги ихтисослаштирилган «Ўзагро-экспорт» ташқи савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар ихтисослаштирилган «Ўзагроэкспорт» ташқи савдо компанияси фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари этиб белгилансин:

мева-сабзавот маҳсулотларининг жаҳон ва минтақавий бозорлари конъюнктурасини маркетинг жиҳатдан чуқур тадқиқ қилиш, мамлакатимизнинг янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга чиқарилишини таъминлаш, уларни сотиш учун янги бозорларни излаш ва ўзлаштириш;

Ўзбекистонда етиштириладиган ўзига хос сабзавот, мева, узум ва полиз маҳсулотларига ташқи бозорлардаги талаб ва таклифларни тизимли асосда ўрганиш ва шунинг асосида ушбу экинларни жойлаштириш ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан етиштириш, тайёр рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ишончли хорижий харидорлар билан доимий алоқа ўрнатиш, янги ва қайта ишланган мева-сабзавот экспорт қилиш бўйича улар билан узоқ муддатли ва қисқа муддатли шартномалар тузиш;

Ўзбекистон Республикасида ҳар йили Халқаро мева-сабзавот ярмарка-

сини экспорт шартномалари тузилган ҳолда ўтказилишини ташкиллаштириш ҳамда томонларнинг шартномавий мажбуриятлари тўлиқ ва ўз вақтида ба-жарилишини таъминлаш;

хорижий инвесторларнинг кенг қўламли иштирокида компанияга кирувчи корхона ва ташкилотларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун махсус сабзавот омборлари ва совутиш қурилмаларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш, илғор хорижий технологиялар ва дизайндан фойдаланган ҳолда замонавий тара-қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;

етиштирилган янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқариш бўйича замонавий логистика тизимини кенг жорий этиш, маҳсулотни халқаро талаблар ва стандартларга мос келадиган ҳолда саралаш, калибрлаш ва қадоқлаш йўли билан экспортга чиқаришдан олдин тайёрлашни ташкиллаштириш;

мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқаришнинг замонавий усулларини эгаллаган ҳамда ушбу маҳсулотга бўлган талабни ва сотиш бозорларини ўрганишга ихтисослашган менежер ҳамда мутахассисларни танлаш ва тарбиялашни таъминлаш.

3. «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси ва «Ўзтадбиркорэкспорт» АЖ муассисларининг:

1-иловага* мувофиқ савдо-харид базалари, совутиш омборлари ва савдо уйлари «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси таркибидан;

2-иловага* мувофиқ савдо-харид базалари ва совутиш омборларини «Ўзтадбиркорэкспорт» АЖ таркибидан «Ўзагроэкспорт» компанияси таркибига ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти билан шуғулланиш «Ўзтадбиркорэкспорт» АЖ фаолияти йўналишларидан чиқарилсин.

4. Қуйидагилар:

«Ўзагроэкспорт» компаниясининг ташкилий тузилмаси ҳамда бошқарув ходимларининг чекланган сони 50 нафардан иборат унинг ижро этувчи аппарати тузилмаси 3 ва 4-иловаларга* мувофиқ;

«Ўзагроэкспорт» компанияси таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати 5-иловага* мувофиқ;

«Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХКнинг янгиланган ташкилий тузилмаси ва ижро этувчи аппаратининг янгиланган тузилмаси 6 ва 7-иловаларга* мувофиқ маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзагроэкспорт» компаниясининг бош директори лавозими бўйича «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари ҳисобланади, компаниянинг кузатув кенгаши томонидан сайланади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланади ва мақоми бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

* 1 — 7-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М. Мирзиёев) «Ўзбекизоқовқатхолдинг» холдинг компанияси билан биргаликда бир ой муддатда пухта танлов асосида «Ўзагроэксспорт» компаниясининг ижро этувчи аппаратини тасдиқланган тузилма ва штат жадвалига мувофиқ замонавий менежмент ва маркетинг усуллари эгаллаган юқори малакали мутахассислар билан бутласин.

6. 2016 йилнинг 1 майдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ ташкилий-ҳуқуқий шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, экспорт қилувчи корхона ва ташкилотлар, шу жумладан микрофирмалар, кичик корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликлари янги мева-сабзавот маҳсулотлари, узум ва полиз экинларини экспорт қилишдан тушадиган валютанинг 50 фоизини белгиланган тартибда мажбурий сотадилар.

7. Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни экспорт қилувчи корхоналар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқ имтиёзлари ва енгилликлари «Ўзагроэксспорт» компаниясига ҳамда унинг таркибига кирган янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи корхона ва ташкилотларга татбиқ қилинсин.

8. «Ўзбекизоқовқатхолдинг» холдинг компанияси, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

компания акцияларининг 51 фоизидан кам бўлмаган қисми давлатда сақлаиб қолишини назарда тутган ҳолда «Ўзагроэксспорт» компаниясининг устав жамғармасини унинг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар, шунингдек давлатнинг иштирокида янгидан ташкил этилаётган корхона ва ташкилотларнинг устав жамғармаларидаги давлат активлари ва акциялари пакетлари (улушлари)нинг баланс (номинал) қиймати ҳисобидан шакллантириш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминласинлар;

«Ўзагроэксспорт» компанияси муассисларининг умумий йиғилишини ўтказсинлар, унинг Устави ва бошқа таъсис ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқласинлар, уларни давлат рўйхатидан ўтказишни таъминласинлар, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини ташкил этсинлар.

«Ўзагроэксспорт» компаниясига Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда олинган маблағларни компаниянинг моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтириш шarti билан қўшимча акциялар чиқаришга рухсат берилсин.

«Ўзагроэксспорт» компанияси эмиссион қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатига олиш учун ҳамда қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш учун йиғимлар тўлашдан озод қилинсин.

9. «Ўзагроэксспорт» компаниясининг ижро этувчи аппарати Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 41-уйга жойлаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Ўзагроэксспорт» компаниясини зарур

алоқа, шу жумладан ҳукумат алоқа воситалари билан таъминлашга кўмаклашсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 18 февралдаги ПҚ–2492-сонли қарори 4-бандининг иккинчи хатбоши ва унинг 1 ва 2-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

«Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 7 апрель,
ПҚ–2515-сон